

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙҚУЛОВ АБДУЛЛА ЭШҚУВАТОВИЧ

РУС ВА ЎЗБЕК РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАРИДА
ИНГЛИЗЧА ЎЗЛАШМАЛАР
(ЎТМИШ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН ҲОЛАТИ)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик
ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Science**

Худайкулов Абдулла Эшкуватович

Рус ва ўзбек расмий ҳужжатларида инглизча ўзлашмалар (ўтмиш ва
ҳозирги замон ҳолати) 3

Худайкулов Абдулла Эшкуватович

Английские заимствования в деловых документах русского и
узбекского языков (истоки и современное состояние)..... 27

Khudaykulov Abdulla Eshkuvatovich

English borrowings in official-business documents of the Russian and
Uzbek languages (background and present day state) 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙҚУЛОВ АБДУЛЛА ЭШҚУВАТОВИЧ

РУС ВА ЎЗБЕК РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАРИДА
ИНГЛИЗЧА ЎЗЛАШМАЛАР
(ЎТМИШ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН ҲОЛАТИ)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик
ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В 2018. 4. PhD / Fil 671 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий Кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nuu.md.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот–таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Қулмаматов Дўсмамат Саттарович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафаров Шаҳриёр Сафарович
филология фанлари доктори, профессор

Саъдуллаева Нилуфар Азимовна
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий Кенгашнинг 2020 йил 18 декабрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 700174, Тошкент, Фөроби кўчаси, 400 уй. Тел.: (+99871) 240-08-62; (+99871)227-10-59; факс: (+99871)246-65-24; e-mail: nauka@nuu.uz

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (92 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 700174, Тошкент шаҳри, Фөроби кўчаси, 400 уй. Тел.: (+99871)240-08-62.

Диссертация автореферати 2020 йил «10» декабрь куни тарқатилди.

2020 йил «10» декабрь даги 12 рақамли реестр баённомаси).


А.Г. Шереметьева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор
Г.С. Қурбонова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий хотиби, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)
И.А. Сиддикова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида турли тизимли тилларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирларини бойитишини ўрганишга эътибор тобора ортиб бормоқда. Шу боис расмий ва лексик-семантик сатҳларда тил алоқалари ва ўзлашмалари типологиясини тадқиқ қилиш замонавий лингвистиканинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Бу борада халқаро тиллар муҳим роль ўйнайди. Хусусан, амалда инсон фаолиятининг барча соҳаларига кириб, миллатлараро мулоқотнинг универсал воситасига айланган инглиз тилининг ўрни беқиёсдир. Жаҳон лингвистик манбашунослигида расмий тарихий ва замонавий ёзма манбалар матнларида қўлланилган англицизмларни таҳлил этишга қаратилган тадқиқотлар ҳам илмий, ҳам амалий аҳамият касб этмоқда.

Дунё тилшунослигида танланган мавзунинг долзарблиги қардош ва ноқардош тилларнинг луғат таркибига учрайдиган билвосита ва бевосита йўл билан кириб келган инглиз ўзлашмаларининг диахроник ва синхроник аспектларда етарлича ўрганилмаганлиги билан ифодаланади. Бинобарин, бу ўз навбатида турли тизимли тиллар ёзма расмий манбалари матнларида инглиз лексик бирликларининг ишлатилиши билан боғлиқ муаммоларни тарихий ҳамда замонавий лексикология, лингвокультурологик йўналишлари доирасида тавсифлаш заруратини юзага келтирмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳозирги замон тилшунослигида XVII–XXI асрлар рус ва ўзбек расмий ҳужжатлар матнларидаги англицизмларни қиёсий ва чоғиштира усуллар йўли билан чуқур тадқиқ этиш лозимлигини талаб этмоқда.

Замонавий Ўзбекистоннинг халқаро обрўси ошиши, ўзбек халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан тобора ривожланиб бораётган маданий алоқалари, ўзаро муносабатлари ва ўзбек тилининг дунё, хусусан, инглиз тили билан ўзаро алоқаси муаммосини ўзбек тилшунослигида олдинги ўринлардан бирига қўяди. Мамлакатимизда чет тил лексикасини, шу жумладан, инглиз тили лексикасини ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, англицизмларнинг ўзбек тилига кириш жараёни жадаллашди. Шу билан бирга ўзбек тилида англицизмларни тадқиқ қилиш, айниқса, бевосита ўзлашган инглизча лексик бирликларнинг ишлатилишини ўрганиш катта қизиқиш уйғотади ва тилшуносликка оид бир қатор муаммоларни ҳал қилишга имкон беради. Бу кўп жиҳатдан «миллий ўзликни англашни, Ватанимизнинг бой тарихини кучайтиришга, ушбу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларини фаоллаштиришга» шароит яратади¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли

¹ Послание Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева о наиболее важных, приоритетных задачах развития страны на 2019 год. – «Народное слово», 29 декабря 2018 г. № 270–271 (7196–7199).

мутахассислар тайёрлашда иқтисодиёт соҳаларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775- сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995- сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилшуносликда сўз ўзлаштириш жараёнларини ўрганиш борасида кўп йиллардан буён тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, қардош ва ноқардош тилларнинг лексик қатламини бойитишда муҳим роль ўйнаган англицизмларни тадқиқ қилишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу ҳақда кўплаб россиялик олимлар (қаранг: Я.К.Грот, Н.А.Смирнов, И.И.Огиенко, А.В. Волоскова, В.Ю.Мартинек, С.А.Беляева, Т.К.Елизова, В.М.Аристова, Г.Г.Тимофеева, Е.В.Ларионова, Ш.Сешан, М.Г.Дакохова, С.С.Изюмская, А.И.Дьяков, В.Р.Богословская, Н.В.Ваганова, М.С.Селиванова, М.Ю.Семенова, Н.Б.Шарипова, Е.В.Прокутина, К.С.Захватаева² ва бошқ.), инглиз, Америка олимлари (қаранг: E.Naugen,

² Грот Я. К. О лексических заимствованиях в русском языке при Петре I. // Филологические разыскания. –СПб.: Тип. Имп. акад. наук, 1876. – 2 изд. – Т. I–II. – 486 с.; Смирнов Н.А. Западное влияние на русский язык в петровскую эпоху // Сборник ОРЯС. – М.: Тип. Имп. Акад. наук, 1910. – Т.88. – № 2. – 363–382 с.; Огиенко И.И. Иноязычные элементы в русском языке: история проникновения заимствованных слов в русский язык. – Киев: Тип. В. П. Бондаренко и П. Ф. Гнездовского, 1915. – 136 с.; Волоскова А.В. Иноязычные слова в дипломатическом терминологии начала XVIII в. // Взаимодействие языков. – Свердловск: Уральский ГУ, 1969. – 31–37 с.; Мартинек В.Ю.Лексико-семантическая ассимиляция английских заимствований в русском литературном языке советской эпохи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Днепропетровск: Днепропет.ГУ, 1972. – 25 с.; Беляева С.А. Английские заимствования в русском литературном языке XVI–XX вв: Автореф. дисс. ...канд. филолог, наук. – Л.: ЛГУ, 1973. – 20 с.; Елизова Т.К. Заимствование английской лексики в русский язык в 60–70-х гг. XX в.: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук.– Ростов-на-Дону: РостГУ, 1978. – 24 с.; Аристова В.М. Англо-русские контакты и заимствования XVI–XX вв.: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Л.: ЛОИЯ АН СССР, 1980. – 37 с.; Тимофеева Г.Г. Английские заимствования в русском языке (фонетико-орфографический аспект): Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – СПб.: СПб.ГУ, 1992. – 30 с.; Ларионова Е.В. Новейшие англицизмы в современном русском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М.: МПГУ, 1993. – 32 с.; Сешан Ш. Англицизмы в русской речи: по материалам прессы 90-х гг.: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М.: ИРЯ им. Пушкина, 1996. – 20 с.; Дакохова М.Г. Англоязычные заимствования в русском языке (XIX–XX вв.): Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Пятигорск: Пятигорский ГЛУ, 1998. – 26 с.; Изюмская С.С. Неологизмы английского происхождения в русской прессе 90-х годов: структурно-семантический и коммуникативно-функциональный аспекты: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ростов на/Д: РостГУ, 2000. – 16 с.; Дьяков А.И. Статика и динамика англицизмов в системе русского языка: многоаспектное лингвистическое моделирование: Дисс. ... д-ра филол. наук – Омск: Омский ГУ, 2015. – 445 с.; Богословская В.Р. Англицизмы в русской спортивной лингвокультуре конца XX века: Дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград: ВГУ, 2003. – 184 с.; Ваганова Н.В. Современные заимствования из английского языка: семантико-словообразовательный аспект: на материале англицизмов конца XX – начала XXI в. в современном русском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Нижний Новгород: Нижегород. ГУ, 2005. – 22 с.; Селиванова М.С. Семантическая адаптация англицизмов в русском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Великий Новгород: НовГУ, 2007. – 545 с.; Семенова М.Ю. Принципы изучения лексики англоязычного происхождения в современном русском языке (к проблеме составления словаря англицизмов): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ростов-на Дону: РостГУ, 2007. – 21 с.;

M.S.Anderson, T.S.Willan, M.Benson, U.Weinreich, S.Baron, M.Wojtowicz, M.Styblo, O.Yoshizumi³) ва ўзбек тадқиқотчилари (қаранг: Р.Дониёров, И.У.Асфандияров, Д.С.Кулмаматов, Э.М. Давлятова, А.Х.Турахўжаева, Р.Жомонов ва бошқ.⁴)нинг илмий ишлари гувоҳлик беради. Аммо XVII–XXI аср рус ва ўзбек расмий ҳужжатлари матнларидаги англицизмларни ўрганиш юзасидан ўзбек тилшунослигида алоҳида тадқиқот олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Қардош ва ноқардош тиллар лексик-семантик таркибининг қиёсий-чоғиштира тадқиқи: синхрония ва диахрония» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади рус ва ўзбек тилларидаги расмий-иш ҳужжатлари матнларида учрайдиган инглизча лексик ўзлашмаларни, уларнинг миқдори, таркиби, даражаси, мослашуви ёки ассимиляцияси хусусиятларини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«ўзлашма», «англицизм» атамаларининг нисбатини аниқлаштириш ва инглиз лексикасининг рус ва ўзбек тилларида ўрганилиш тарихини таҳлил қилиш;

рус ва ўзбек тиллари ривожланишининг турли даврларида инглиз сўзларининг кириб келиш жараёнининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

англицизмларнинг лексик-семантик таснифини ва уларнинг ёзма манбаларда қайд этилишини, рус ва ўзбек расмий ҳужжатлари матнларида ишлатилишини аниқлаш;

Шарипова Н.Б. Траектория англоязычных заимствований и их лексическое значение в русском языке (на материале лексикографических источников конца XIX – начала XXI веков): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Челябинск: ЧелябГПУ, 2008. – 23 с.; Прокутина Е.В. Английские заимствования в нестандартной лексике современного русского языка: структурно-словообразовательный аспект: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Челябинск: ЧелябГПУ, 2010. – 22 с.; Захватаева К.С. Английские заимствования в современном русском языке: семантический аспект: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ростов-на-Дону: РостГУ, 2013. – 27 с.

³ Anderson M.S. Britain's Discovery of Russia 1553–1815. – New York: St. Martin's Press, 1958. – 245 p.; Anderson M.S. English Views on Russia in the 17th century // The Slavonic and East European Review. – United Kingdom: Maney Publishing, 1954. – № 80. – 150–160- pp.; Benson M. English Loan words in Russian. // Slavic and East European Journal, 1959. – V. 3 (New Series). – 248–267- pp.; Foreign Words in Russian. A Historical Sketch (1550-1800) // University of California Publications in linguistics. – Berkelly and Los Angeles, 1963. – Vol. 28. – 1–132- p.; Weinreich U. Languages in Contact: Findings and Problems. – The Hague: Mouton and Co., 1964 – 149 p.; Baron S. The Muscovy Company, the Muscovite Merchants and the problem of Reciprocity in Russian Foreign Trade // Muscovite Russia. Collected Essays. – London: Variorum Reprints, 1980. – 133–155- pp.; Wojtowicz M. The Influence of English Loan-words in the Development of Russian Vocabulary in the 18th century. – Poznan: Slavia Orientalis, 1993. – 439–445- pp.; Styblo M. English Loanwords in Modern Russian Language. – Chapel Hill, 2007. – 80 p.; Yoshizumi O. A. Russian after Perestroika. A dissertation submitted in partial fulfillment of the requirements for the Degree of Doctor of Philosophy in the Department of Slavic Languages at Brown University. – Providence, Rhode Island, 2006. – 132 p.

⁴ Данияров Р. Заимствование русско-интернациональных личных имен узбекским языком: Автореф.дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент: ИРЯ АН УзССР, 1967. – 21 с.; Асфандияров И.У. Русские лексические заимствования в узбекском языке // Вопросы языкознания. – М.: Наука, 1982. – 75–81- с.; Кулмаматов Д.С. Среднеазиатские дела Посольского приказа как источник для истории русского языка: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – М.: МПГУ, 1995. – 37 с.; Давлятова Э.М. Лексические заимствования из западноевропейских языков в современном узбекском языке (на материале периодики) // Вестник Челябинского государственного университета. – 2011. – № 10 (225). Филология. Искусствоведения. – Вып.52. – 34–37- с.; Турахўжаева А.Х. Мустақиллик шароитида ўзбек тили ижтимоий-сиёсий лексикасининг тараққиёти: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т.: ЎзФА Тил ва ад. ин-ти, 2012. – 26 б.; Жомонов Р. Сўз ўзлаштиришнинг нолисоний омиллари // Ўзбекистонда хорижий тиллар. – Т., 2014. – № 1. – 40–45- б.

инглиз ўзлашмаларининг рус ва ўзбек расмий ҳужжатлари матнларида фонетик, семантик, морфологик жиҳатдан мослашишини тавсифлаш;

замонавий рус ва ўзбек тилларининг луғат бойлигининг ортишида англицизмларнинг ролини кўриб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XVII асрдан XXI аср бошларигача бўлган даврда рус ва ўзбек тилларида расмий, дипломатик ва маъмурий матнларда учрайдиган, бутун инглиз олами манзарасининг фрагменти бўлган «англицизм»лар асос қилиб олинди.

Тадқиқотнинг предметини XVII асрдан XXI аср бошларигача бўлган даврда англицизмларнинг рус ва ўзбек тилларига мослашишларини ҳисобга олган ҳолда адекват берилиш усуллари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-тарихий, қиёсий-чоғиштира, лингвистик тавсифлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Тилшуносликда *ўзлашма*, *англицизм* тушунчаларига доир мавжуд илмий қарашлар, англицизмларнинг рус ва ўзбек тилларида ўрганиш тарихи мисоллар асосида далиланган;

XVII–XXI асрларда инглиз ўзлашмаларининг рус ва ўзбек расмий ҳужжатлари матнига кириб келиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари (бевосита ёки билвосита ўзлашиш йўллари билан варваризм, экзотизм, вкрапления ва калька кўринишида) аниқланган;

англицизмларнинг лексик-семантик таснифи келтирилган ва уларнинг XVII–XXI асрлар рус ва ўзбек расмий ҳужжатлари матнларида қайд этилиши исботланган;

XVII–XXI асрлар рус ва ўзбек расмий-иш ҳужжатлари матнларида инглиз лексик birlikларининг фонетик, семантик, морфологик мослашуви аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий ва хорижий тилшунослар томонидан лексик ўзлашма тушунчасининг талқини бўйича қарашларига таянган ҳолда рус ва ўзбек тилларида лексик ўзлашма тушунчаси далилланган;

рус ва ўзбек тиллари ривожланишининг турли даврларида инглиз тилидан сўзларнинг кириб келиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари тавсифланган;

рус ва ўзбек тилларидаги расмий ёдгорликлари матнларида ишлатиладиган инглиз ўзлашма лексикасининг таркиби аниқланган;

англицизмларнинг рус ва ўзбек тилларига ўтиш усуллари далилланган;

англицизмларнинг рус ва ўзбек расмий ёдгорликлари матнларида фонетик, семантик ва морфологик жиҳатдан мослашуви исботланган.

Илмий тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган хулосаларнинг ишончлилиги ва барқарорлиги, рус ва ўзбек тилларидаги расмий ёдгорликлар ва ҳужжатлар матнларида қўлланилган инглиз ўзлашма лексикасининг таркибини, уларнинг фонетик, семантик ва морфологик жиҳатдан мослашуви аниқланганлиги, республика миқёсидаги ва хорижий журнал ва конференциялар тўпламларида мақолалар нашр қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган

натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти қиёсий ва чоғиштира тилшунослик йўналишларида олиб борилган тадқиқотлар юзасидан олинган натижалар рус ва ўзбек тилшунослигидаги миллий ва маданий хусусиятлар билан боғлиқ муаммоларни очиб бериш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация материаллари ва хулосалардан инглиз-рус, инглиз-ўзбек тиллари ўртасидаги алоқаларини ўрганишда, «Лексикология», «Таржима назарияси ва амалиёти», «Умумий тилшунослик», «Қиёсий тилшунослик» фанлари бўйича дарсликларни ишлаб чиқишда, инглизча-русча-ўзбекча тарихий ва замонавий луғатларни тузишда хизмат қилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Рус ва ўзбек расмий ҳужжатларида инглизча ўзлашмаларни аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

XVII–XXI асрлар рус ва ўзбек расмий ҳужжатлари матнларида инглиз ўзлашмаларининг рус ва ўзбек тиллари луғатига ўзлашишига доир хулосалардан ИДТ-1-07 рақамли «Тилшунослик асослари фанидан дарслик, ўқув-услубий мажмуа яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 89-03-2052-сон маълумотномаси). Натижада рус ва ўзбек тиллари луғат қатламларига кириб келган англицизмларни маъноси, вақтини ойдинлаштириш, уларнинг рус ва ўзбек расмий ҳужжатлар матнларида, лексикографик манбаларда қайд этилишини аниқлаш имконини берган;

англицизмларнинг XVII–XXI асрлар рус ва ўзбек расмий ҳужжатлари матнларида қайд этилиши тўғрисидаги маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси туризми ривожлантириш Давлат Қўмитасининг Сурхондарё вилояти бошқармаси томонидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризми Ривожлантириш Давлат Қўмитасининг 2020 йил 12 июндаги № 02-16 / 2939-сон маълумотномаси). Натижада тарихий обидалар материалларини туристларнинг англашига имкон яратилган ва уларга кўрсатиладиган хизмат сифатини оширишга хизмат қилган;

тилшуносликда «ўзлашма», «англицизм» терминларини тадқиқ этиш ва англицизмларнинг рус ва ўзбек тилларида ўрганиш бўйича олинган илмий-назарий хулосалардан Сурхондарё вилоят «Янги аср» телерадиокомпаниясида «Тил – миллат кўзгуси» радиоэштиришини тайёрлашда фойдаланилган («Сурхондарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 16 июндаги № 01-01/137-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатув учун тайёрланган материалларнинг илмий оммабоплиги таъминланган;

XVII–XXI асрлар рус ва ўзбек расмий-иш ҳужжатлари матнларида инглиз лексик бирликларининг фонетик, семантик, морфологик мослашуви жиҳатларини акс эттирувчи натижаларидан «PAWER – Худудлараро мобилликни йўлга қўйиш ва бу борада долзарблик, сифат ҳамда тенгликни таъминлаш» мавзусидаги лойиҳа бўйича ўтказилган семинар ва тренингларда фойдаланилган (Лойиҳани

мувофиқлаштирувчи Л.Акила маълумотномаси, Италия. Эрасмус+ 574099-EPP-1-2016-1-IT-EPPKA2-CBHE-SP PAWER проекти дастури). Натижада экспертлар тайёрлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

англицизмларнинг XVII–XXI асрлар рус ва ўзбек расмий ҳужжатлари матнларида қайд этилишини аниқлаш тўғрисидаги илмий маълумотлардан Британия Кенгаши томонидан ташкил этилган илмий семинарни ўтказишда фойдаланилган («British Council»нинг 2019 йил 20 сентябрдаги ОС-1650- сон маълумотномаси). Натижада тингловчилар расмий ҳужжатлар аслияти ва таржималари матларининг тил хусусиялари, инглиз тили дарсларида ёзиш кўникмаларни ривожлантиришда ўзлашма элементларидан фойдаланишга доир билимларини оширишга асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 17 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 8 та илмий мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 132 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Инглиз ўзлашмаларининг рус ва ўзбек тилларидаги тадқиқининг назарий масалалари**» деб номланган **биринчи боби** инглиз ўзлашмаларининг рус ва ўзбек тилларидаги назарий муаммоларига бағишланган.

«**Ўзлашма ва англицизм**» деб номланган биринчи параграфда «ўзлашма», «англицизм» ва «американизм» терминларини аниқлаштиришга оид назарий масалалар тадқиқ қилинган.

Бизнинг фикримизча, «ўзлашма» атамасининг таърифи энг асосийси бўлиб, келгусида тадқиқотнинг усулини ва механизмини танлашда муҳим омил бўлади. Америкалик тилшунос Л. Блумфилднинг фикрича, ўзлашма – бу тил ҳодисаларининг маълум кўринишидир⁵. Россиялик олимлар «ўзлашма» тушунчасига турлича таъриф беришган. Л.П.Крысин ўзлашма деганда бир тилдан бошқа тилга ҳар хил элементларни (морфология, фонология, лексика,

⁵ Bloomfield L. Language. – New York: Holt and Co., 1933. – 14- p.

семантика, синтаксисга оид) аралаштириш жараёнини тушунади⁶, Н.М.Шанский – рус тилига четдан келадиган ҳар қандай сўзни⁷, В.М.Аристова – сўз олувчи тил томонидан етарли даражада ўзлаштирилган сўзларни тушунади⁸.

Бизнинг фикримизча, «ўзлашма» терминига энг малакали таъриф И.Г.Добродомов томонидан берилган: «Ўзлашма – ўзга тил элементи (сўз, морфема, синтактик конструкция ва ш.к.) бўлиб, тил контактлари натижасида бир тилдан иккинчи тилга ўтади, шунингдек, элементларнинг бир тилдан иккинчи тилга ўтиш жараёни (ўзлаштириш) ҳамдир»⁹.

Ушбу таъриф мантиқан жуда тўғри қурилган: «бир тилдан бошқасига», яъни халқлар ва мамлакатлар учун бегона ҳар қандай тил бирлиги, тушунчалар – морфемалар, сўз (лексема)лар, гаплар кириши мумкин. Аслида, ҳар қандай тилда мос эквивалентлари бўлмаса чексиз миқдордаги ўзлашма сўзлар бўлиши мумкин. Улар тўғридан-тўғри (тилдан тилга) ва билвосита (воситачи тиллар орқали) бўлиши мумкин. Аммо шуни эсда тутиш керакки, янги предмет ёки тушунчани ифодалаш учун она тилида эквивалент сўз бўлмаганда, лексик бирликлар ўзлашма сифатида тан олинishi мумкин.

Бизнинг тадқиқотимизнинг объекти инглиз тилидан олинган ўзлашма лексика бўлганлиги сабабли «англицизм» тушунчасини таърифлаш ва фарқлаш зарурати мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, тилшунослик фанида «англицизм» атамасининг таърифи бўйича ягона фикр мавжуд эмас. Шунинг учун тор ва кенг маънода турли хил ёндашувлар мавжуд.

Ф. Брокгаус ва И.Ефроннинг энциклопедик луғатида англицизм «бошқа тилга ўтган инглиз тилининг ўзига хос хусусияти» сифатида таърифланган»¹⁰.

Д.Н.Ушаковнинг таърифига кўра, «англицизм» варваризм шакли сифатида «бирон бир тилда инглиз тили модели асосида тузилган ибора, нутқ обороти»дир¹¹.

Замонавий тилшунослардан бири С.Г.Апетяннинг фикрича, *англицизмлар* бу «инглиз тилидан олинган сўзлар ва иборалар (инглиз тилнинг Британия ва Америка вариантларидан), шунингдек инглизча сўз ёки ибораларга ўхшатиб инглиз морфемалари ёрдамида ясалган сўзлар ва иборалар», деб ҳисоблайди»¹².

Умуман олганда, «англицизм» атамасининг таърифи бир-бирига ўхшашдир. Тилшуносларнинг юқоридаги фикрларини инобатга олган ҳолда, биз қуйидаги таърифни беришни лозим топдик: *англицизмлар* – бу чет тил матнларида ўзининг асл шаклини сақлаб қолиш билан ёки сўз олувчи тилнинг

⁶ Крысин Л.П. Иноязычные слова в современном русском языке. – М.: Наука, 1968. –18- с.

⁷ Шанский Н. М., Боброва Т. А. Лексикология современного русского языка. – М.: Просвещение, 1972. – 86- с.

⁸ Аристова В.М. Англо-русские языковые контакты (англицизмы в русском языке). – Л.: Изд-во ЛГУ, 1978. – 152 с.

⁹ Добродомов И. Г. Заимствование // Лингвистический энциклопедический словарь / под общ. ред. В.Н. Ярцевой. – М.: Сов.энциклопедия, 1990. – 158–159- с.

¹⁰ Брокгауз Ф., Ефрон И. Иллюстрированный энциклопедический словарь. – М.: Эксмо, 2006. – 25- с.

¹¹ Ушаков Д. Н. Толковый словарь русского языка [Электронный ресурс]. URL: <http://www.dict/t-mm.ru/ushakov>

¹² Апетян С.Г. Англицизмы в структуре масс-медийного и официально-делового дискурсов (лексико-семантический и когнитивно-прагматический аспекты): Дисс. ... канд. филол. наук. – Краснодар: КубанГУ 2011. – 12- с.

ички қонуниятларига биноан ишлатиладиган инглиз тилидан олинган сўз ёки турғун бирикмалардир.

Қардош ва ноқардош тизимли тилларда инглиз тилидан ўзлашган сўзларни ўрганган тилшунослар Л.П.Крысиннинг назариясига асосан ўзлашмаларнинг структуравий ва функционал фарқларини асос қилиб олган ҳолда қуйидаги турларга ажратади: *ўзлашма сўз, экзотик лексика, вкрапления (ора-сира жойлашган чет тил сўзлари)* ¹³.

Англицизмларни ўрганиш жараёнида тилшуносларнинг диққат-эътиборлари кўпинча «варваризм», «вкрапления», «экзотизм», «калька» атамаларига қаратилади. Шунинг учун уларнинг моҳиятини тўғри аниқлаш учун биз ушбу тушунчаларни кўриб чиқамиз.

«Варваризм» атамаси қадимги Юнонистонда пайдо бўлган. «Маълумки, қадимги эллинлар барча четдан келганларни, юнон бўлмаган ҳаммани варварлар (*barbaros*) деб аташган. Шундай қилиб, тилшунослар одатда варваризм деб, сўзловчи томонидан тан олинган чет тилига хос сўзларни тушунишади» ¹⁴.

«Вкрапления» атамаси илмий муомалага А.А.Леонтьев томонидан киритилган. Унинг таъкидлашича, «... ҳар қандай тилдаги матнни муайян қоидалар бўйича ушбу матнни, мос келувчи тилда «ёйилган» модель маҳсулоти сифатида тасаввур қилиш мумкин, ва аксинча, маълум қоидалар асосида матнни «йиғиш» натижасида шундай моделни куриш мумкин ... аммо ... матннинг баъзи бўлаклари (сегментлари) бизнинг моделимизга тўғри келмайди. Кўпинча «вкрапления» ҳар қандай тилдаги ҳар қандай матн билан ўзаро аралашиб кетади» ¹⁵.

С. Влахов ва С. Флоринларнинг фикрларига кўра, «вкрапления» деганда «аслият матнидаги ёт сўз ва иборалар, чет тилдаги ёзувдаги морфологик ёки синтактик ўзгаришларсиз транскрипция қилинган, матннинг аутентлигини таъминлаш, колоритни яратиш учун, матннинг ўқимишлигиги ёки илмийлиги тўғрисидаги муҳитни, таассуротни яратиш, баъзан – кулгиликни ёки кинояликни ошириш учун муаллиф томонидан киритилган сўз ва ибораларни тушуниш керак» ¹⁶.

«Варваризм», «вкрапления» терминлари билан бир қаторда ўзлашмаларни ифодалаш учун «экзотизм» (гр. *exōtikos* – чет эллик, ажнабий) атамаси ҳам самарали ишлатилади – «бошқа мамлакатлар ва халқлар ҳаёти билан боғлиқ предметлар, ҳодисалар, тушунчаларни номлайдиган чет тил сўзлари ва

¹³ См.: Груенко С.Е. К вопросу классификации заимствованной лексики [Электронный ресурс] // Наука о человеке: гуманитарные исследования, 2016. – №1(23). – 36–42-с. (Режим доступа: <https://rucont.ru/efd/363513>); Новикова Т. В. Англо-американские заимствования-варваризмы в современном русском языке: 1990-е годы: Дисс. ... канд. филол. наук. – СПб.: СПб.ГУ, 2003. – 67- с.; Багана Ж., Глебова Я.А. Отношение заимствований и иноязычных вкраплений // Научный результат. Сетевой научно-практический журнал. Серия вопросы теоретической и прикладной лингвистики. – Белгород: НИУ БелГУ, 2015. – № 3. – 42–45-с.

¹⁴ Цитируется по: Воронкова И. С. О понятиях «экзотизмы» и «варваризмы» // Вестник ВГУ. Серия: Лингвистика и межкультурная коммуникация. – Воронеж: ВГУ, 2006. – № 2. – 77- с.

¹⁵ Леонтьев А. А. Иноязычные вкрапления в русскую речь // Вопросы культуры речи. – М.: Наука, 1966. – 60–68- с.

¹⁶ Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. – М.: Международные отношения, 1980. – 65- с.

иборалар»¹⁷. Уни тилшунослик адабиётшуносликдан олган. «Адабиётшуносликда экзотизм деб ўзга мамлакатлар ҳаёти ва турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятлари асарда муаллиф томонидан тасвирланишига нисбатан айтилади, бу ёзувчилар ва романтик шоирлар, кейинчалик символист ижодкорлар ижодига хос бўлган»¹⁸. Тилшуносликда уни биринчи марта Л.А. Булаховский 1937 йилда М.Ю.Лермонтов ва А.А. Бестужев Марлинский асарларида Кавказ тилларидан олинган ўзлашмаларни ифодалаш учун ишлатган¹⁹.

Бироз вақт ўтгач, аниқроғи, 1954 йилда Л.А.Булаховскийдан кейин «экзотик лексика» атамасини Э.М. Галкина-Федорук «хорижий сўзлар орасида бошқа мамлакатлар ва халқларга хос бўлган ҳодиса ва предметларнинг номлари бор. Бу турдаги сўзлар экзотик лексикага тегишли» – деб таъкидлаган ҳолда ишлатган²⁰. Аммо «экзотизм» атамасининг якуний баёни Э.А. Супруннинг «Экзотик лексика» мақоласи нашр этилгандан кейин пайдо бўлди²¹.

Юқорида келтирилган фактларнинг ўзи шундан далолат берадики, агар чет тил ўзлашлашмаларининг мазмуни ва ифодаланиш шакллари, хусусан, у ёки бу тилда ишлатиладиган англицизмларни ҳисобга олмасак тилшуносларнинг ўзлашмалар назарияси бўйича қарашлари умумийдир.

«Рус ва ўзбек тилларида англицизмларнинг ўрганилиши» номли параграфида тилшуносларнинг рус ва ўзбек тилларидаги англицизмлар таҳлилига бағишланган илмий тадқиқотлари кўриб чиқилган.

Инглиз-рус тил алоқалари узок тарихга эга. Москва давлати ва Англия ўртасидаги муносабатларнинг бошланиши 1553 йил 24 августда биринчи инглиз кемаси «Эдуард Бонавенче» («Edward Bonaventure») Шимолий Двина дарёсининг ирмоғидаги Авлиё Николай бандаргоҳида тўхтаб ҳамда унинг капитани Ричард Ченслер (Richard Chancellor) Иван Грозный томонидан қабул қилинган кундан бошланган деб ҳисобланади²².

Е.Ф. Володарскаянинг таъкидлашича, «биринчи инглизча сўзларни рус тилига ўтказувчилари инглиз қироллари Элизавета I ва Яковнинг саройидаги Россия элчилари, шунингдек, тиббиёт, кончилик, кемасозлик, ҳарбий ишлар соҳаларидагимахсус атамаларини фаол жорий этган инглиз мутахассислари бўлган»²³. Бу ерда шуни ҳам таъкидлаш керакки, Россияда инглиз тилининг тарқалишига, жумладан, рус тили луғат таркибига инглизча мансаблар номлари, савдога оид титул ва предметлар номлари – *лорд (Lord)*, *алдраман (Alderman)*, *мрезер (Treasurer)*, *ерль (Earl)*, *чифджестес (Chief Justice)*, *лорд*

¹⁷ Зеленин Г.Л. Немецкая экзотическая лексика в русском языке XIX века (на материале литературных текстов и словарей): Дисс. ... канд. филол. наук. – М.: МПГУ, 1991. – 16- с.

¹⁸ Никандарова Т.Е. Экзотическая лексика русского происхождения в сочинении А.Олеария о Московии. Дисс. ... канд. филол. наук. – М.: ИЯ РАН, 2014. – 19- с.

¹⁹ Булаховский Л.А. Курс русского литературного языка. – Харьков: Рад.шк., 1937. – 478 с.

²⁰ Галкина-Федорук Е.М. Современный русский язык. Лексика. – М.: Изд-во МГУ, 1954. – 139- с.

²¹ Супрун А.Е. «Экзотическая» лексика // Филологические науки. – М., 1958. – № 2. – 52–54- с.

²² См. об этом: Аристова В.М. Англо-русские языковые контакты – Л.: Изд-во ЛГУ, 1978. – 3- с.; Беляева С.А. Английские слова в русском языке XVI–XX вв. – Владивосток: Изд-во ДВГУ, 1984. – 12- с.; Остапенко О.Г. Сравнительно-сопоставительный анализ дипломатической и административной терминологической лексики (на основе документов дипломатических контактов России и Англии XVI–XVII веков): Дисс. ... канд. филол. наук. – М.: ТверскийГУ, 2015. – 12- с.

²³ Володарская Э.Ф. Заимствование как отражение русско-английских контактов // Вопросы языкознания. – М.: Наука, 2002. – № 4. – 97- с.

кипер (*Lord Keeper*), *спикер* (*speaker*) кабиларнинг кириб келишида юқори мартабали англизларнинг ҳам роли катта бўлган²⁴.

Рус тилига англицизмларнинг фаол кириб келиши Пётр I даврида (1682-1725) бошланди, аммо англизча сўзларнинг рус тилига кириб келиш чўққиси XIX асрнинг 20- йилларида қайд этилди. Масалан, кемасозлик соҳаси терминологияси бўйича: *баржа*, *бот*, *бриг*, *вельбот*, *мичман*, *ихуна*, *яхта* ва бошқалар.

Ўз асарларида англиз ўзлашмаларидан кенг фойдаланган буюк рус ёзувчиларининг ролини алоҳида таъкидлаш лозим: Н.М. Карамзин (1766–1826) асарларида *пикник*, *тост*, *сплин*, *пэр*, *сэр*, *квакеры*, *анчоусы*, *пион пудинг*, *рост-биф*, *биф-стекс* (Письма русского путешественника Н.М.Карамзина – кейинги ўринларда ПРП), А.С.Пушкин (1799–1837) асарларида: *сплин*, *данди*, *клуб*, *идеал*, *вулгар*, *dandy*, *roast-beef*, *beef-steaks* (Пушкин А.С. «Евгений Онегин») каби бир неча англиз сўзлари ишлатилган.

Англиз ўзлашмалари XIX аср рус ёзувчиларининг асарларида ҳам маҳаллий колорит ва миллий жиҳатларни ифодалаш учун англиз сўзлари ишлатилган: Н.А.Гончаровда (*фут*, *полисмен*, *комфорт* – «Фрегат «Паллада»»), Ф.М.Достоевскийда (*коттеж*), Л.Н.Толстойда (*яхт-клуб*).

Англиз ўзлашмаларининг рус тилига кириб келишига замин яратган Англия-Россия муносабатлари тарихи англиз тарихчи олимлари М.Андерсон, Т.С.Уиллан, М. Бенсон, С. Бэрн, Девид Рой²⁵ ва бошқаларнинг ишларида ёритилган; англиз-рус тил алоқаларнинг баъзи жиҳатлари англиз ва Америка тилшунослари Э. Хауген, Г. Хютл-Уорт, У. Вайнрайх, Х. Олмстед, М. Вуйтович, М. Стибло, О. Ёшизуми²⁶ ва бошқаларнинг тадқиқот объектлари бўлган. Аммо бу муаллифлар англиз тилидан рус тилига ўтган кам сонли

²⁴ Олтяну Л. Теоретический экскурс вопроса англицизмов в современном русском языке. Основные периоды вкрапления англицизмов в истории русской речи. – Бухарест: Editura Universităţii din Bucureşti, 2005. – 183 с. [www.diacronia.ro/indexing/details/pdf/;_marinova_e.v._Иноязычная_лексика_современного_русского_языка:_учеб._пособие._М.:_Флинта:_Наука,_2012_–_296_с;_Тинакина_В._Англоязычные_заимствования_как_фрагмент_языковой_картины_мира_\(Anglicismi_contemporanei_come_un_frammento_dell'immaginelinguistica_del_mondo\):_Дисс._..._д-ра_наук._Венеция,Италия:_UniversitaCa'FoscariVenezia,_2016._–_40–41-_с.](http://www.diacronia.ro/indexing/details/pdf/;_marinova_e.v._Иноязычная_лексика_современного_русского_языка:_учеб._пособие._М.:_Флинта:_Наука,_2012_–_296_с;_Тинакина_В._Англоязычные_заимствования_как_фрагмент_языковой_картины_мира_(Anglicismi_contemporanei_come_un_frammento_dell'immaginelinguistica_del_mondo):_Дисс._..._д-ра_наук._Венеция,Италия:_UniversitaCa'FoscariVenezia,_2016._–_40–41-_с.)

²⁵ Anderson M.S. Britain's Discovery of Russia 1553–1815. – New York: St. Martin's Press, 1958. – 245 p.; Anderson M.S. English Views on Russia in the 17th century // The Slavonic and East European Review. – United Kingdom: Maney Publishing, 1954. – № 80. – 150–160- с; Anderson M.S. English Views of Russia in the Age of Peter the Great // American Slavic and East European Review. – Cambridge: Cambridge University Press, 1954. – V. 13. – № 2. – 200–214-p.; Willan T.S. The Early History of Russian Company, 1553–1603. – Manchester: University Press, 1956. – 295 p.; Benson M. English Loan words in Russian. // Slavic and East European Journal. – American Association of Teachers of Slavic and East European Languages, 1959. – V.3 (New Series). – 248–267- p.; Baron S. The Muscovy Company, the Muscovite Merchants and the problem of Reciprocity in Russian Foreign Trade // Muscovite Russia. Collected Essays. – London: Variorum Reprints, 1980. – 133–155- p.; David Roy Andrews. The how and why of some borrowings from English in third-wave émigré Russian. PhD dissert. – Michigan: The University of Michigan, 1988 – 153 p.

²⁶ Haugen E. The analysis of linguistic borrowing. – J. «Language», 1950. – № 2. – 210–231- p. (<http://dx.doi.org/10.2307/410058>); G.Huttl-Worth. Foreign Words in Russian. A Historical Sketch (1550–1800) // University of California Publications in linguistics. – University of California Press, 1963. – Vol. 28. – 1–132- p.; Weinreich U. Languages in Contact: Findings and Problems. The Hague: Mouton and Co., 1964 – 149 p.; Olmsted, Hugh M. American Interference in the Russian Language of the Third-Wave Emigration: Preliminary Notes– Cambridge: Harvard College Library, April 1986. – 124–138- p.; Wojtowicz M. The Influence of English Loan-words in the Development of Russian Vocabulary in the 18th century. – Poznan: Slavia Orientalis, 1993. – 439–445- s.; Styblo M. English Loanwords in Modern Russian Language. – Chapel Hill, 2007. – 80 p.; Yoshizumi O. A. Anglicisms in Russian after Perestroika. A dissertation submitted in partial fulfillment of the requirements for the Degree of Doctor of Philosophy. Department of Slavic Languages at Brown University. – Providence, Rhode Island, 2006. – 132 p.

сўзларни санаб ўтиш билан чекланиб қолишган. Шунинг учун уларнинг ишларида келтирилган хулосалар ишончли эмас ва чуқур таассурот уйғотмайди.

Илмий адабиётларни батафсил ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, ўзбек тили луғат таркибида ишлатиладиган инглиз ўзлашмалари монографик жиҳатдан тадқиқ қилинмаган. Айрим англицизмлар тўғрисида кичик маълумотларни ўзбек тилшунослари Ж. Ҳамдамов, А.Х.Тўраходжаева ва бошқаларнинг илмий ишларидан топиш мумкин.

Ж. Ҳамдамовнинг диссертация ишида рус тилига инглиз тилидан ўзлашган лексик бирликларнинг тарихига оид айрим масалаларни ёритишга уриниб кўрилган. Ўзбек даврий нашрларидак шоирлар томонидан бадиий асарларда ишлатилган англицизмнинг таҳлили, улардан фойдаланишнинг қуйидаги йўналишлари бўйича олиб борилади: 1) транспорт билан боғлиқ лексика (*вокзал, трактор*), 2) озиқ-овқат маҳсулотларининг номи (*кофе*), 3) ўлчов бирликларининг номлари (*пуд*), 4) ёқилғи номлари (*керосин*)²⁷.

А.Х. Тўраходжаеванинг номзодлик диссертациясида ўзбек тили луғат таркибида учрайдиган келиб чиқишига кўра лотинча бўлиб, инглиз тилидан ўзлашган *сенат, сенатор, парламент, департамент, пикет, брифинг, митинг каби* ижтимоий-сиёсий атамаларнинг роли компонент таҳлил методи билан синхрон аспектда ўрганилган²⁸.

Рус ва ўзбек тилларида англицизмларни ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу соҳадаги тадқиқотлар асосан лексикографик манбаларда ёки бадиий ва журналистик матнларда учрайдиган инглиз ўзлашмаларини тавсифлаш билан чекланган. Рус ва ўзбек расмий иш ҳужжатлари матнларидаги англицизмлар эса тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган. Шу сабабли, ушбу узилишни бартараф этиш учун, қардош ва ноқардош тилларнинг, хусусан, рус ва ўзбек тилларининг расмий иш ҳужжатлари матнларида ишлатилган англицизмларни тизимли ва кенг қамровли лингвистик таҳлил қилиш зарур эди.

«Рус ва ўзбек расмий ёзма ёдгорликларда англицизмлар (XVII–XX асрлар)» деб номланган **иккинчи бобда** XVII–XX аср рус ва ўзбек расмий ҳужжатларида ишлатилган ўзлашган ва байналминал англицизмлар, инглиз варваризмлари, экзотизмлар, чет тил вкраплениялари ва калькаларнинг ўрганилиши рус ва ўзбек тилларининг тарихий ва замонавий лексикологияси учун муҳимлиги кўриб чиқилган.

XVI асрда бошланган Англиянинг Россия билан, Россиянинг Хива ва Бухоро хонликлари билан дипломатик алоқалари кейинги асрларда янада фаоллашди²⁹. Бу биринчи навбатда, дипломатик ёзишмаларни ривожлантириш ва такомиллаштиришга олиб келди. Ўз навбатида инглиз ва рус, инглиз-рус ва ўзбек тилларининг луғат бойлигининг ўзаро бойишига қулай шароит яратди.

